

ЎЗБЕКИСТОНДА ЙЎЛ ҲАРАКАТИ ХАВФСИЗЛИГИНИ ТАЪМИНЛАШНИНГ МАЪМУРИЙ-ҲУҚУҚИЙ МЕХАНИЗМЛАРИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ ИСТИҚБОЛЛАРИ

¹Янгибаев Айбек Кидирбаевич

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Маъмурий ҳуқуқ кафедраси бошлиғи
ўринбосари, подполковник,
юридик фанлар бўйича фалсафа доктори, доцент,

²Аллаяров Нурманбет Уразимбетович

Ўзбекистон Республикаси ИИБ Академияси Автомобиль тайёргарлиги кафедраси катта
ўқитувчиси подполковник.

<https://doi.org/10.5281/zenodo.7544789>

Йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш турли ташкилий чора-тадбирларлардан ташкил топган бўлиб, улари яхлит тизимга келтириш, ўзар мувофиқлаштитиш муҳим аҳамиятга эга ҳисобланади. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги 377-сон қарори билан тасдиқланган 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси бу борада муҳим ўрин тутди.

Таъкидлаш лозимки сўнги йилларда муайян соҳа ёки тармоқни комплекс ва тизимли ривожлантиришда концепцияларни қабул қилиш амалиёти урф бўлмоқда. 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияси мамлакатимизда илк бор шундай мазмундаги ҳужжат бўлганлиги билан аҳамиятлидир¹. У *биринчидан*, мазкур соҳани ривожлантиришнинг устувор йўналишларини; *иккинчидан*, соҳани ривожлантиришдан аниқ кутилаётган натижаларни ифодалайди.

Бироқ таҳлиллар бугунги кунда ушбу концепцияни янада такмиллаштириш зарурати мавжудлигини кўрсатмоқда. Хусусан, ушбу концепциянинг амал қилиши 2022 йилда тугагани, унда белгиланган устувор вазифалар ҳамда мавжуд муаммолар ҳали ўз ечимини тўлиқ топмаганлигини ҳисобга олган ҳолда, мамлакатимизда 2023–2026 йилларга мўлжалланган йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепцияда қуйидагиларни назарда тутиш лозим деб ҳисоблаймиз:

биринчидан, асосий қоидаларда қуйидаги компонентлар ўз ифодасини топиши лозим: йўл ҳаракати хавфсизлигининг жорий ҳолати, 2018–2022 йилларда Ўзбекистон Республикасида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш концепциясининг натижалари ва ҳал этилиши лозим бўлган муаммолар;

иккинчидан, янги концепцияда қуйидаги асосий тушунчалар ўз ифодасини топиши лозим: “йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолати”, “йўл ҳаракати хавфсизлиги ҳолатини баҳолаш”, “йўл ҳаракати хавфсизлигига таҳдид солувчи омиллар”, “йўл ҳаракати хавфсизлиги мезонлари”;

учинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида шаффолик ва очиқликни таъминлаш ҳамда коррупцияга қарши курашиш тизимини жорий этиш. Бунда очиқлик ва

¹ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл ҳавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 377-сон қарори // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3743453#3746442> (мурожаат вақти: 20.09.2022).

шаффофлик ҳуқуқбузарликларни кўриб чиқиш ва давлат хизматларини кўрсатиш тизими йўналишида белгиланиши лозим;

тўртинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида энг кўп содир этиладиган ҳуқуқбузарликлар таҳлили ва уларнинг олдини олиш масалалари;

бешинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни тизимлаштириш ва такомиллаштириш. Бугунги кунда йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳада 500га яқин норматив-ҳуқуқий ҳужжатлар мавжудлиги уларни тўғри ва самарали қўллашга салбий таъсир қилмоқда;

олтинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасидаги ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни қуйидаги икки йўналишда такомиллаштириш: а) йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни либераллаштириш; б) йўл ҳаракати хавфсизлиги соҳасида ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни дифференциациялаш (табақалаштириш). Бунда такроран содир этилган ҳуқуқбузарликлар учун жавобгарликни оғирлаштириб бориш ҳамда биринчи марта ёки йиллар бўйича кам содир этилганлик ҳолати бўйича жавобгарликни либераллаштириш;

еттинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг устувор йўналишлари бўйича илмий ва амалий асосланган тадқиқотлар ўтказиш ва уларнинг натижаларини амалиётга жорий этиш. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамаси ҳузурида Йўл ҳаракати хавфсизлиги масалалари илмий-амалий тадқиқотлар институтини ташкил этиш;

саккизинчидан, йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасини давлат томонидан тартибга солиш. Бунда Вазирлар Маҳкамаси, давлат органлари ва муассасалари, маҳаллий давлат ҳокимияти органлари, таълим ташкилотлари, шу жумладан ҳайдовчиликка ўқитиш курсларининг ваколатлари, мажбуриятлари ва жавобгарлигини белгилаш;

тўққизинчидан, концепцияни амалга оширишнинг қуйидаги механизмлари: йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш соҳасидаги қонунчиликни такомиллаштириш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган мақсадли ва манзилли дастурларни ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга қаратилган идоралараро амалий ўқув машғулотларини ўтказиш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш тизимида малакали кадрларни тайёрлаш, уларни жой-жойига қўйиш, тизимли малакасини ошириш ва қайта тайёрлаш; йўл ҳаракати хавфсизлигига хатарларнинг ҳолати ва даражаларини белгиловчи мезонларни ва асосий кўрсаткичларни ишлаб чиқиш ҳамда жорий этиш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш ҳолатининг жорий ва истиқболдаги ривожланишини прогноз қилиш, мавжуд ва юзага келиши мумкин бўлган таҳдидларни белгилаш, уларни бартараф этиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва амалга ошириш; йўл ҳаракати хавфсизлигига тажовуз қилувчи ҳуқуқбузарликларнинг профилактикасини амалга ошириш, уларни содир этган шахсларнинг белгиланган тартибда жавобгарликка тортилишини таъминлаш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича ваколатли давлат органлари ва жамоат тузилмаларининг фаолиятини мувофиқлаштириш ва тезкор бошқаришнинг ягона марказлашган тизимини жорий этиш; йўл ҳаракати

хавфсизлигини таъминлашда рақамли технологияларни кенг жорий этиш; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш бўйича илғор хорижий тажрибани ўрганиш ва уни татбиқ этиш чораларини кўриш, соҳада халқаро ҳамкорликни амалга ошириш.

тўққизинчидан, концепцияни амалга оширишдан кутилаётган қуйидаги натижалар: йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашга доир қонунчилик янада такомиллаштирилади, мавжуд ҳуқуқий бўшлиқ ва зиддиятлар бартараф этилади, миллий хусусиятлар ва шароитлар эътиборга олинган ҳолда халқаро стандартлар ва илғор хорижий тажриба татбиқ этилади; жамиятда тинчлик ва осойишталикнинг таъминланганлик даражаси оширилади, қонун устуворлиги мустаҳкамланади, фуқароларнинг конституциявий ҳуқуқ ва эркинликларини ҳимоя қилиш самарадорлиги ошади; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятининг шаффофлиги ва ошқоралиги таъминланади, соҳада жамоатчилик билан узвий ҳамкорлик даражаси ошади; йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлаш фаолиятига ишни ташкил этишнинг замонавий шакл ва усуллари ҳамда илғор ахборот-коммуникация технологиялари кенг жорий этилади.

Шундай қилиб, йўл ҳаракати хавфсизлиги ривожланиш концепциясининг пировард натижаси жамоат хавфсизлигини, аҳолининг тинчлиги ва осойишталигини таъминлашнинг сифат жиҳатидан янги тизимини самарали татбиқ этиш, шахс, жамият ва давлат хавфсизлигини таъминлашнинг ишончли ва самарали механизмларини жорий этиш ҳисобланади.

Шунингдек, таҳлиллар ва ўрганишлар асосида йўл ҳаракати хавфсизлигини таъминлашнинг маъмурий-ҳуқуқий механизмларини қуйидаги йўналишлар асосида такомиллаштириш таклиф этилади:

биринчи йўналиш, Болалар иштирокидаги йўл транспорт ҳодисаларининг олдини олиш бўйича хорижий тажрибадан келиб чиқиб, қуйидаги чора-тадбирларни ўз ичига қамраб олган *“Болалар учун йўл ҳаракати хавфсизлигининг 10 стратегияси”* номли дастурни ишлаб чиқиш ва амалиётга татбиқ этиш мақсадга мувофиқдир: 1) мактабгача таълим муассасалари, мактаблар, ўйингоҳлар, болалар кўп тўпланиши мумкин бўлган объектлар атрофида тезликни чеклаш; 2) болалар велосипедида ҳимоя каскаларидан фойдаланиш тартибини жорий этиш (бунда каскаларни велосипетнинг нархи ичига киритиш); 3) автомобилда болалар учун махсус ҳимоя ўриндиқларидан фойдаланишни жорий этиш; 4) болаларнинг ҳайдовчилар учун кўриниш даражасини ошириш, уларни ёрқин кийимлар билан таъминлаш; 5) болалар ўтиши мумкин бўлган йўлакларни ёритиш; 6) йўл инфратузилмаси сифатини яхшилаш (бунда болалар учун қўшимча имкониятлар яратиш); 7) автомобиль конструкциясини болалар учун мослаштириш; 8) ёш ҳайдовчилар учун махсус чеклов турларини жорий этиш (масалан, тунги вақтларда ҳаракатланишни ман этиш); 9) йўл транспорт ҳодисаларидан жабрланган болалар учун ёрдам кўрсатиш сифатини ошириш; 10) йўлларда болаларни кузатиш тизимини жорий этиш.

БМТнинг 1989 йилдаги Бола ҳуқуқлари тўғрисидаги конвенцияси²да ҳар бир бола ўз фаровонлиги учун зарур ҳимоя ва ғамхўрликка эга бўлиши лозимлиги таъкидланган. Бундан ташқари, халқаро ҳужжатда “ҳар бир бола яшаш учун ажралмас ҳуқуққа эга” ва “томонлар болаларни парвариш ёки ҳимоя қилиш учун масъул бўлган муассасалар, хизматлар ва ташкилотларнинг ваколатли органлари белгилаб берган стандартларга бўйсунганини, хусусан, хавфсизлик соҳасида мувофиқ бўлишни таъминлайдилар” деб кўрсатилган.

Бу муҳим тамойилни таъминлашнинг энг асосий йўлларида бири эса, дунёдаги болаларнинг йўлларда ҳалок бўлишларини бартараф этишдир. Жаҳон соғлиқни сақлаш ташкилотининг 2021 йил учун маълумотларига кўра, ҳар йили дунё бўйлаб автоҳалокат туфайли 1,35 млн бола вафот этади. 5–29 ёшдаги ёшларнинг ўлим сабабларининг энг асосийси ЙТХда олинган тан жароҳати ва автоҳалокат бўлиб қолмоқда.

Амалдаги қонун ҳужжатларида болалар иштирокидаги йўл транспорт воситаларининг олдини олишнинг яхлит механизмлари белгиланмаган. Бу борада турли қонун ҳужжатларида турли нормалар тарқоқ ҳолда белгиланган. Масалан, Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 701-сон қарори билан тасдиқланган “Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш бўйича Дастурнинг фақат битта бандида (9-бандда) болалар иштирокидаги йўл-транспорт ҳодисалари содир этилишининг олдини олиш, йўлларда хавфсиз ҳаракатланиш кўникмаларини шакллантиришга қаратилган тадбирларни ташкил этиш белгиланган³.

иккинчи йўналиш, мамлакатимизда йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини рақамлаштиришнинг устувор йўналишларини ишлаб чиқиш ва тадбиқ этиш. Бугунги кунда барча соҳаларни жадал рақамлаштириш – ривожланишнинг энг муҳим шартларидан бири сифатида кун тартибида турибди. Шу жумладан, йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини ҳам рақамлаштириш муҳим масалалардан бири ҳисобланади.

Йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимига ахборот технологияларини жорий этиш дастурини ишлаб чиқиш ва унда йўл ҳаракати хавфсизлиги тизимини рақамлаштириш йўналишларини, шунингдек ахборот технологияларни тўлиқ жорий этиш босқичларини белгилаш лозим.

² “Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги БМТ конвенциясининг Ўзбекистондаги аҳамияти // Электрон манба: <http://old.adolatnashr.uz/page/bola-khukuklari-tugrisidagi-bmt-konvenciyasining-uzbekistondagi-akhamiyati> (мурожаат вақти: 20.09.2022).

³ Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 701-сон қарори // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3888332> (мурожаат вақти: 20.09.2022).

References:

1. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 19 майдаги “Ўзбекистон Республикаси йўл хавфсизлигини таъминлаш тизимини янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 377-сон қарори // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3743453#3746442> (мурожаат вақти: 20.09.2022).
2. Бола ҳуқуқлари тўғрисида”ги БМТ конвенциясининг Ўзбекистондаги аҳамияти // Электрон манба: <http://old.adolatnashr.uz/page/bola-khukuklari-tugrisidagi-bmt-konvenciyasining-uzbekistondagi-akhamiyati> (мурожаат вақти: 20.09.2022).
3. Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2018 йил 30 августдаги “Йўл ҳаракати хавфсизлиги кунини ўтказиш ва йўл-транспорт ҳодисалари профилактикасининг самарадорлигини ошириш чора-тадбирлари тўғрисида”ги 701-сон қарори // Электрон манба: <https://lex.uz/docs/3888332> (мурожаат вақти: 20.09.2022).